



МОЗИЙДАН СЎЗЛОВЧИ МАНБАЛАР

ЖАМОЛИДДИН АБДУЛЛАЕВ

ЎзЖОКУ Ўзбек тили ва адабиёт кафедраси

катта ўқитувчиси

Аннотация. Ўзбек адабиёти ўзининг ранг-баранглиги ва бадиий жилоси билан жаҳон маданий бойлигининг муҳим бир қисми ҳисобланади. Туркий халқлар тарихда кўпгина истеъдодли ижодкорларни етиштириб берган. Ўзбек султонларидан Убайдий ҳам шу халқ фарзанди бўлиб, она тилидан ташқари араб ва форс тилларида бемалол ижод қила оладиган анашундай истеъдод эгаларидан бири эди.

Унинг тўлиқ номи Убайдуллоҳон ибн Маҳмуд Султон ибн Будоғ Султон ибн Абулхайрхон деб қайд этилган²². Абулхайрхоннинг Будоғ Султон номли ўғли бўлиб, ундан икки фарзанд дунёга келган. Биринчиси – Муҳаммад Шайбонийхон, иккинчиси эса Маҳмудхон эди. Дашти қипчоқда туғилган Маҳмудхон (х. 858- м. 1452) бобоси Абулхайрхон қўлида тарбия топган²³. Кейинчалик у акаси Муҳаммад Шайбонийхон изидан бориб, тожу тахт учун олиб борилган бир қанча жангларда фаол қатнашган. Мовароуннаҳр 1501 йил шайбонийлар қўлига ўтгач, унга Бухорони бошқариш топширилади²⁴.

Убайдуллоҳон ана шу Султоннинг фарзанди бўлиб, 1487 йилда (х. 892.) таваллуд топган. Ёлғиз фарзанд Убайдуллоҳоннинг ёшлик йиллари кўпроқ Бухорода ўтган. У бошига қийинчилик ва ташвишлар тушган чоғларнинг бирида бу тўғрида шундай дейди:

*Эл, кўпрукни кўзга нега илгайсиз,
Ёлғиз кишидин ҳам нега кесилгайсиз.
Ёлғиз деб они кесилгайсиз ондинким,
Ёлғизнинг эрур ёри Худо, билгайсиз.*²⁵

Убайдий ҳақида Мирзо Ҳайдар ўзининг «Тарихи Рашидий» асарида унинг илм-фанда етишган камолотини таърифлаб шундай деган эди: «У ёшлигидан барча фазилатлар билан безанган. Шу боис ҳам у 7 хил ҳусни хатда қалам юритар, айниқса, насх хатини ҳаммадан яхши ёзарди. «Каломуллоҳ»дан бир нусха кўчириб, Ҳарамайни Шарифайн (Макка ва Мадина)га жўнатган эди. Мусиқа илмида ва ашулада моҳир эди».²⁶ 1560-1589- йилларда ёзилган Алоуддавла Қазвинийнинг «Нафоис ул-маосир» асарида эса

²² Мирзо Ҳайдар. Тарихи Рашидий. ЎзФА ШИ қўлёзмаси, Инв. № 4538, 94-а varaқ.

²³ Абдуллоҳ ибн Муҳаммад Али. Тарихи Шайбонийхон. ЎзФА ШИ қўлёзмаси, Инв. № 1505, 45-б varaқ

²⁴ Ўша китоб, 46 б-varaқ.

²⁵ Убайдий девони. ЎзФА ШИ қўлёзмаси, инв. № 8931, 529-бет.

²⁶ Мирзо Ҳайдар. Тарихи Рашидий. ЎзФА ШИ қўлёзмаси, Инв. № 1430, 159-б varaқ.



TANQIDIY NAZAR, TAHLILIY TAFAKKUR VA INNOVATSION G'UYALAR



куйидагиларни ўқиймиз: «Илми ҳадисда Убайдуллахон ҳазрати Хожа Муллои Исфаҳонийнинг шогирдидир ва фикҳда Мавлоно Маҳмуд Азизоннинг шогирдиким, Мовароуннаҳрда уламоларнинг машҳурларидан турур. Илми кироатни Мавлоно Ёрмуҳаммад Қорининг хизматларида ўтказган. Ул фанда (*Тажвид илми - Ж.А.*) бир таълиф кўргиздиким, тамоми қориларнинг тилини хатодин сақлар эрди. Муаммони яхши билур эрди».²⁷

Убайдуллохон 1504 йилда 18 ёшида Бухоро тахтига ҳукмдор этиб тайинланади. Унинг тахтга чиқишига кўпчилик илм-фан ва адабиёт намояндalари катта умид ва хурсандчилик билан қарашдики, буни ўша давр тарихчиси Мир Муҳаммад Муншийнинг шу воқеа муносабати билан ёзган тарихидан ҳам илғаш қийин эмас:

Абулғози Убайдулло Баҳодирхони динпарвар,

Биҳамдуллоҳ-ки, шуд жояш фарози маснади хони.

Муъини дини Пайгамбар шуду гардид таърихаи,

*“Муъиниддин Убайдулло ибн Маҳмуд Шайбоний”.*²⁸

«Тарихи Рашидий» асари муаллифи Мирзо Ҳайдар Убайдуллохоннинг тахтда ўтирган замонини куйидагича таърифлайди: «У (Убайдуллохон) ҳамма яхши хислатларни ўзида мужассамлаштирган подшоҳ эрди... У хизмат қилиб турган Бухоро халқининг яхши ва фозиллиги, фаровонлиги жиҳатидан Ҳиротни ва Ҳусайн Мирзо замонини эслатади».²⁹

«Тарихи Муқимхоний»да у «Адолат шевасида ягона, жанг жабҳасида бағоят фарзона эди» – дейилган. «Тарихи Шайбонийхоний», «Тарихи Рашидий», «Тарихи Роқимий», «Зубдат ул-асрор» сингари асарларда ифодаланган бир қанча ҳарбий воқеалар бу баҳонинг ҳаққоний эканлигини кўрсатади.³⁰

Убайдуллохон амакиси Шайбонийхон билан фақат ҳарбий юришларда эмас, балки илмий, адабий йиғилишларда ҳам бирга бўлиб, ундан ўрناق олишга интиланган. Шу сабабли ҳам у «давр султонлари ичида фазилат ва камолотда ягона»лиги гоҳ-гоҳ Шайбонийхоннинг номи билан боғлиқ тарзда тилга олинади.

Ҳамма даврлар каби, бу давр ҳам ўз мураккабликларига эга бўлиб, теурийлар ва шайбонийлар орасидаги муносабатлар силсиласида, хусусан, Заҳириддин Муҳаммад Бобур ва Убайдуллахон масаласи диққатни ўзига тартади. Чунки бу давр сиёсий ҳаётида Убайдуллахон ҳам Бобурдан кам рол ўйнамаган. 1513 йил баҳорда Кўли Маликдаги (*Бухоро яқинидаги жой номи – Ж.А.*) жангда эса Убайдуллахон аскарларининг сони анча кам бўлгани ҳолда 40 минг кўшинга эга Бобурни енгган.³¹

²⁷ Нафоис ул-маосир. ЎзФА ШИ қўлёзмаси инв. № 878, 104-б варақ.

²⁸ Ўша китоб. 219-бет.

²⁹ Мирзо Ҳайдар. Тарихи Рашидий. ЎзФА ШИ қўлёзмаси, Инв. № 4538, 110-а варақ.

³⁰ Муҳаммад Юсуф Мунший. Тарихи Муқимхоний. ЎзФА ШИ қўлёзмаси инв. № 7280, 110-а варақ.

³¹ ЎзФА ШИ қўлёзма, инв. № 4538 95 “а”-“б”-варақ.



TANQIDIY NAZAR, TAHLILIIY TAFAKKUR VA INNOVATSION G'UYALAR



Фахрий Ҳиротий Убайдуллоҳонни Ҳиротда кўриб, уни «дарвеш кийимидаги шох», деб айтган экан. Убайдийнинг ўзи ҳам бу хусусда бир ғазалида

*Дарвешман ўз ҳолима, эй банда Убайдий,
Юз шукрки, ҳоқони Кабоду Жом эмасмен.*³²

Замондошлари томонидан эътироф этилганидек Убайдуллоҳоннинг адолат ила олиб борган сиёсати, бебаҳо адабий меросидаги илоҳий ишқ, ватанга бўлган садоқат, инсонийлик, ҳикмат ва жасурлик шартлари хусусидаги ўғитлари ўз даврида қанчалик муҳим бўлган бўлса, уларнинг аҳамияти бугунги кун ёш авлодлар тарбияси учун ҳам муҳим саналади. Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, Убайдий ҳаёти ва ижодини ўрганиш орқали унинг ҳикматларидаги ўғитлардан керакли хулосалар чиқаришимиз, улкан сабоқлар олишимиз мумкин бўлади. Зеро мозийдан сўзловчи тарихий манбаларни ўрганиш, аждодларимизнинг бебаҳо меросини авлодларга маънавият ҳазинаси ўлароқ етказиш, барчамизнинг муқаддас бурчимиздир.

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Абдуллаев М. Убайдий ҳаёти ва адабий фаолияти. Тошкент; 2000, 10-бет.
2. Мирзааҳмедова М. Хожа. Тошкент; Фан, 1975, 16-бет.
3. Мирзо Ҳайдар. Тарихи Рашидий. ЎзФА ШИ қўлёзмаси, Инв. № 4538, 94-а варақ.
4. Абдуллоҳ ибн Муҳаммад Али. Тарихи Шайбонийхон. ЎзФА ШИ қўлёзмаси, Инв. № 1505, 45-б варақ
5. Убайдий девони. ЎзФА ШИ қўлёзмаси, инв. № 8931, 529-бет.
6. Муҳаммад ибн Вали. Бахрул асрор. ЎзФА ШИ қўлёзмаси, инв. № 1375, 132-б варақ.
7. Нафоис ул-маосир. ЎзФА ШИ қўлёзмаси инв. № 878, 104-б варақ.
8. Муҳаммад Юсуф Мунший. Тарихи Муқимхоний. ЎзФА ШИ қўлёзмаси инв. № 7280, 110-а варақ.
9. Ўз ФА ШИ қўлёзма, инв. № 4538 95 “а”-“б”-варақ.
10. Ўз ФА ШИ. Инв. № 54/1. – Б. 220.
11. Хасанхўжа Нисорий. Музакири Ахбоб. – Тошкент; 1993, 212-бет

³² Убайдий девони, 45-б бет.